*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. ◆ № 35 (20. 902) 1991 йил 19 февраль, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

## *Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси якунларига доир*

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ — ОЛИЙ МАҚСАД

ЖУМҲУРИЯТ халқ депутатларининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси вақт нуқтаи-назаридан энг қисқа фурсатда якун топган анжуман бўлди. Кўрилган масалалар, кўтарилган муаммолар ва унинг ўзига хос ечимлари жиҳатидан эса парламент мажлиси салмоқли қадамлар ташлади. Жумҳурият қонунчилиги ва ижтимоий ҳаётимизнинг бир қатор янгича ечимлар билан бойигани ҳам шубҳасиздир. Мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги мураккаб вазият Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов маърузасида ҳар тарафлама, чуқур таҳлил қилинди.

Жумҳуриятнинг иқтисодий аҳволи оғир, ечилмаётган муаммолар беҳад, халқларнинг турмуш даражаси пастлиги маълум. Айни пайтда ичимлик суви танқис, экология, Орол фожиаси қалбларни ўртамоқда, суғориладиган ерлар етишмайди, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларининг анчагина қисми ташқаридан олиб келинмоқда. Четга эса асосан хом ашё чиқарилмоқда, ишсиз юрган одамларнинг сони ортиб бормоқда, аҳвол мураккаблигича қолмоқда. Жумҳурият халқ хўжалиги минг-минг кўзга кўринмас ришталар билан Иттифоқ корхоналарига боғлаб ташланган. Уларни бирдан узиб ҳам бўлмайди ва бу оқилона йўл ҳам эмасдир. Мана шуларни ҳисобга олганда жумҳурият учун ҳар жиҳатдан Иттифоқ таркибида сиёсат олиб боришни тақозо этади, албатта.

— **Лекин биз,** — деб таъкидлади Ислом Абдуғаниевич Каримов сессия минбаридан, — **ортиқча марказлаштирилган, буйруқбозликка асосланадиган, эскирган қоидалар бўйича иш юритадиган Иттифоқ таркибига киришга рози бўлмаганмиз ва мутлақо рози бўлмаймиз ҳам. Федерация таркибига кирадиган тақдирда ўз мустақиллигига эга бўлган давлат сифатидагина шартномага имзо чекишимиз мумкин... Бизнинг асосий талабимиз мулкчилик тўғрисида. Ўзини мустақил деб билган давлат ўз ҳудудида бўлган барча ер ости-ю ер усти бойликларига, ишлаб чиқарувчи кучларига фақат ўзи ҳеч сўзсиз эгалик қилмоғи керак.**

Шунингдек, Ўзбекистон Президенти, жумҳурият ўз бойликларидан фойдаланишда ҳам эркин бўлиши, хорижий мамлакатлар билан сиёсий, иқтисодий алоқалар боғлашда ҳам ўз сиёсатини ўзи белгилаши лозимлигини уқтириб ўтди. Марказга ихтиёрий қолдириладиган масалалар нималардан иборат бўлиши мумкин? Мудофаа, космос, ядро соҳалари, алоқа воситалари, темир йўл, ҳаво флоти марказ тасарруфида бўлиши мақсадга мувофиқдир. Марказ билан муносабатларни аниқлашда, унга бериладиган ҳуқуқлар ва унинг зиммасидаги вазифаларни белгилашда жумҳурият ўз ихтиёрини қўлдан чиқармаслиги муҳимлиги таъкидланди. Булар ҳаммаси халқ фаровонлигини таъминлашнинг асосий шартлари, албатта.

Биз қандай Иттифоқ тарафдоримиз? Шу мақсадда бу йил 17 мартда ўтказиладиган Бутуниттифоқ референдуми кўпгина жумбоқларни ечиб бериши турган гап. Бироқ референдум йўлига ғов ташлашни ният қилганлар янглишадилар, унда қатнашиш — бизнинг конституцион бурчимиз ва ҳуқуқимиздир. Бу борада сессия минбаридан янграган сўзлар Қозоғистон ССР парламентининг шу йил 11 февралда қабул қилган Мурожаатномасини қўллаб-қувватлаган муносиб акс-садо бўлди. Маълумки, Қозоғистон ССР Олий Кенгаши ССР Иттифоқидаги барча республикаларнинг Олий Кенгашларини «сиёсий донишмандлик, сабр-бардош ва узоқни кўра билиш намуналарини кўрсатишга, яқинлашиб келаётган фожиа — буюк Иттифоқ давлатимизнинг парчаланиб кетишига йўл қўймаслик учун қўлдан келган барча ишни қилишга» даъват этади.

Жумҳуриятда юз берган иқтисодий вазият ҳам сессия иштирокчиларини бефарқ қолдиргани йўқ. Нарх-навони тартибга солиш қоидалари ҳамда жумҳуриятнинг 1991 йилги давлат бюджетининг муҳокамаси кун тартибининг марказида бўлди. Бу бежиз эмас албатта, жумҳурият Президенти аппарати, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Олий Кенгаши ва ҳукумати сўнгги ойларда нарх-наво сиёсати билан боғлиқ кўпдан-кўп хатлар, телеграммалар олди. Бундай савол билан мурожаат қилган мактублар «Совет Ўзбекистони» рўзномаси почтасида ҳам талайгина. Бу мактубларда аҳолининг ва меҳнат жамоаларининг ҳақли талаб ва истаклари мужассамлашган дейиш мумкин. Уларда бозор муносабатларига ўтиш билан ижтимоий адолат масалалари кўндаланг қўйилган. Айни пайтда янгича шароитда чакана нархлар масаласини барвақт ва оқилона ҳал этиш талаб этилади. Нарх-наво сиёсати бозор иқтисодиёти шароитида адолат мезонига айланиши керак. Акс ҳолда ишлаб чиқариш муқаррар таназзулга учрайди ва барбод бўлади.

Худди ана шундай шароитда марказ 1990 йилнинг 1 июлидан бошлаб ғаллага, 15 октябридан гўштга, 1991 йилнинг январидан бошлаб саноатда улгуржи нархларни уларга мувофиқлаштирмаган ҳолда ошириш ҳақида, кўпчилик озиқ-овқат ва эҳтиёж катта бўлган ноозиқ-овқат молларига чакана нархларни кўтариш тўғрисидаги қарорларини кучга киритгани ҳам маълум. Жумҳурият ноилож нарх-наво «жанги»га рўбару келиб турибди. Нарх-наво соҳасида мисли кўрилмаган танг аҳвол вужудга келди. Давлат нархида 2 сўмдан сотилаётган гўшт давлатнинг ўзига қарийб беш баравар қимматга тушаётганини ҳамма ҳам билармикан? Ун ва сут маҳсулотлари ҳам мана шу зайлда «сакраб» кетди. Биз сариёғ деб юритадиган 3 сўм 45 тийинлик мол ёғи давлатга эндиликда 13 сўм 30 тийинга тушмоқда.

Хўш, чакана нархларни ислоҳ қилиш зарурми-йўқми? Эҳтимол нархи оширилган маҳсулотлардан юз ўгирганимиз маъқулдир? Балки айрим маҳсулот турларини ўзимизда етиштирилган арзон турлари билан қоплай оламиз? Бунинг учун аввало жумҳуриятдаги ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлишимиз керак. Халқни озиқ-овқатсиз қолдириб бўлмайди. Саноат моллари танқислиги эса амалдаги нархнинг баттар қимматроқ бўлишига олиб келади. Қолаверса, бир жумҳуриятда сунъий арзончилик яратиб ҳам бўлмайди. Нарх-навонинг асосий принципларини мана шу талаб ва эҳтиёжлар асосида қайта кўриб чиқиш зарурати туғилгани бежиз эмас. Лекин иқтисодиётдаги ҳар қанча оғир ва мураккаб шароитга қарамай, жумҳурият раҳбарияти амалдаги давлат нархларини сақлаб қолиш мумкин бўлган моллар рўйхатини белгилаб чиқди. Меҳнат жамоалари ўртасида нисбатан барқарорликни сақлаб туриш ва нарх-наводаги номувофиқликни бартараф этиш учун жумҳурият бюджетидан шу йилнинг январь ойида 800 миллион сўм дотация тўлашга тўғри келди. Бу эса йилига қарийб 10 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратишни тақозо этади.

Янги чакана нархларни жорий этиш учун жумҳуриятнинг миллий нуфус хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда компенсация беришнинг ишончли дастурини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш — сессия кун тартибининг марказида бўлди. **«...Бизнинг биринчи ва асосий шартимиз шундан иборатки, Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат ва бошқа молларнинг, озиқ-овқат маҳсулотларининг ва бошқа кундалик зарур молларнинг нархини оширишни белгилашдан олдин нарх-наво оширилиши муносабати билан компенсация тўлаш манбаларини белгилаб олиш керак,** — деб қатъий таъкидлади жумҳурият Вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов сессияда қилган ўз маърузасида. — **Ана шу воситани белгиламай туриб Президент ҳам, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ҳам, республика ҳукумати ҳам нарх-навонинг оширилишига рози бўлолмайдилар».**

Жумҳурият компенсацияси нималарда намоён бўлади? Янги чакана нархларнинг жорий этилиши муносабати билан аҳолига компенсация бериш икки йўналиш бўйича олиб борилади: булар меҳнаткашларнинг кам иш ҳақи оладиган тоифаси даромадларини ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда кундалик эҳтиёж товарларининг қимматлашуви сабабли барча аҳолига абсалют компенсация беришни назарда тутади. Корхоналардан ва ташкилотлардан фойда солиғи ставкасини 48 фоиздан 38 фоизга камайтирилишига катта умид боғланмоқда. Шундан 20 фоизи жумҳурият фондига ўтказилади. Бу бевосита ишловчиларнинг иш ҳақини ошириш имконини беради. Жумҳурият ўз мустақиллик позицияларидан келиб чиқиб, у ёки бу соҳада компенсация тўловларини жорий этиш тартибларини мустақил белгилайди. Бу амалда нимани англатади? Масалан, мамлакат миқёсида ноннинг нархи уч баравар оширилишига қарамай, бизнинг жумҳуриятимизда нон, ун ва макарон маҳсулотларининг нархи ошмайди! Ҳукумат раҳбари сессия минбаридан туриб бунга яна бир бор кафолат берди!

Аҳоли тоифаларининг компенсация билан таъминланиш даражаси қандай бўлади? Жумладан, 5 млн. 61 минг — ишчи, хизматчи ва иш билан банд бўлганларнинг бошқа тоифалари; 2 млн. 400 минг — қишлоқ хўжалигида банд бўлган колхозчилар, ишчилар, совхозларнинг хизматчилари; 4 млн. 510 минг — 6 ёшгача бўлган болалар; 4 млн. 736 минг — умумий таълим мактабларининг ўқувчилари, барча турдаги интернатлар билан бирга; 360 минг — олий ўқув юртларининг кундузги ўқийдиган талабалари, техникумларнинг ўқувчилари; 58 минг — ҳунар-техника билим юртларининг кундузги ўқувчилари; 800 минг — уйида болаларига қарайдиган аёллар компенсация тўловларидан баҳраманд бўладилар. Бир сўз билан айтганда, бу рақам 20 миллион кишини, яъни жумҳуриятнинг деярли барча табақасини қамраб олади.

Бюджетимизда ижтимоий-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлаш ўтган йилдагидан бир ярим баробар ортиши кўзда тутилади. Халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш харажатлари эса 2,7 баравар ошади. Бу аввалги йиллар билан таққослаганда мисли кўрилмаган силжишдир. Ижтимоий-маданий соҳани маблағ билан қоплашга 9 миллиард сўм, ёки ўтган йилга таққослаганда 2,9 миллиард кўп маблағ сарфланади. Халқ хўжалигини маблағ билан таъминлаш ўтган йилдагига нисбатан қарийб беш марта кўп — 8,6 миллиард сўм ажратилди.

Табиийки, бундай катта харажатлар ўзига хос даромад манбаи билан мустаҳкамланмас экан, ҳар қандай мақсад ва режамиз ширин хаёллардан иборат бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам бюджетнинг даромад қисмига бир қатор моддалар киритилди. Бу борада жумҳурият етказиб бераётган хом ашё ресурсларидан бизнинг ҳудудимиздан ташқарида ҳосил бўладиган соф даромадлар бир қисмининг қайтариб берилишидир. Жумҳурият раҳбарияти бу борадаги ижтимоий адолатни тиклаш учун озмунча куч-ғайрат сарфлагани йўқ. Бу ҳақдаги ҳаққоний талаблар Кремль минбаридан туриб ҳам бир неча бор кўндаланг қўйилди. Шахсан жумҳурият Президенти томонидан принципиал қўйилиши туфайли бу борадаги музлар эрий бошлади: жорий йилда худди шу ҳисобдан жумҳурият бюджетига 10,7 миллиард тушум белгиланди.

Маълумки, бундан ташқари, савдо солиғи, меҳнат ҳақи фондларидан 11 фоизли ажратмалар, 20 фоизли амортизация ажратмалари ва бошқа тадбирлар жорий қилинади. Умуман янги солиқлар ва даромадлар тартиби жумҳурият бюджетига 15,2 миллиард сўмдан зиёд маблағ тушишини таъминлайди. Фойдадан, оборотдан, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқлар 8,5 миллиард сўмни ташкил этади. Хуллас, жорий йилда Ўзбекистон ССРнинг 1991 йилги бюджети даромадлар бўйича 23 миллиард 700 миллион атрофида бўлади. Бироқ сарф-харажатлар 25 миллиард 582 миллион 325 минг сўм қилиб тасдиқланди. Орадаги тақчиллик қарийб икки миллиард сўмни ташкил этади!

Даромадга қараб буромад деган нақл бозор муносабатларига ўтиш даврида айниқса ҳаётийдир. «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон ССРнинг янги Қонун лойиҳаси такомилига етказиладиган бўлди. Ер солиғини жорий этишдан кўзда тутилган мақсад нима?

Маълумки, ердан фойдаланиш барча корхона ва муассасалар учун текин эди. Шундан келиб чиқиб айрим корхоналар, давлат идоралари ва ташкилотлар ернинг умрини бекор ўтказишда бас бойлашарди. Янги Қонун кучга кириши муносабати билан колхозлар ва совхозлар, корхона ва бошқа ташкилотлар ўз тасарруфида бўлган ер учун ҳақ тўлайдилар.

Ер солиғи, шубҳасиз, ерларнинг ҳамма турларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконини беради. Янги Қонун саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг асоссиз равишда катта-катта ер майдонларини йиллаб самарасиз эгаллаб келишларига чек қўяди деган умиддамиз. Яна шу томони муҳимки, ер солиғининг жорий этилиши маҳаллий бюджетларни мустаҳкамлашга ёрдам беради. У маҳаллий ҳокимият идораларининг ерни асрашга, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, ер тузилишига ва, табиийки, қишлоқнинг ижтимоий тараққиётига кўпроқ эътибор берилишига замин яратади.

Ер солиғининг ибратли томонлари қаторида бирмунча саёз, пухта таҳлил қилинмаган ўринлари ҳам мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди. «Пичанзор ва яйлов ерлардан фойдаланганлик учун уларнинг маҳсулдорлигига қараб гектарига 1 сўмдан 3 сўмгача ҳақ белгилаб қўйиш мўлжалланади» деган банди мушоҳадага муҳтож кўринади. Ўзбекистон шароитида гектари 1 сўмга баҳоланадиган ерни тасаввур қилиш мумкинми? Бу ернинг қадрини ерга уриш бўлмайдими? Тўғри, бундай пичанзор ва яйловларни серунум ерлар билан таққослаб бўлмайди, ундан фойдаланиб турган хўжаликлар учун малол келиши мумкин. Бироқ, ерларнинг бундай беқадрлигидан фойдаланиб, уларнинг талон-торож қилинмаслигига кафолат борми? Бу нарх уларни абадий ташландиқ бўлишга маҳкум этмасмикан? Ҳар қандай шароитда ҳам 1 гектар ернинг баҳоси 1 сўм қилиб баҳоланиши, табиийки, мантиқсизликка олиб боради. Ерни бебаҳо бойлик деймиз. Унинг қадрсизланиши муайян хўжаликка иқтисодий енгиллик туғдириши мумкин, бироқ аслида ерга нисбатан эгасизликни кучайтиради.

Ер солиғи қишлоқ хўжалигини хонавайрон қилади дегувчи кишилар ҳам бор. Бироқ бу тоифа кишилар бу борадаги Қонуннинг табиатидан хабардор эмаслигини намоён қилишганини билишармикан? Ер солиғи аслида қишлоқ учун ишлашини наҳотки тушуниб етмасалар? Бу йил қишлоқ хўжалиги тармоқларидан олинадиган солиқ 700 миллион сўмни ташкил этгани ҳолда, уни ривожлантиришга 4,4 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратилгани ҳам бунинг яққол далилидир.

Бюджетнинг ижтимоий-маданий тадбирларни маблағ билан таъминлаш банди ҳам бир қатор жумбоқларни ўз ичига олади. Афсуски, бу соҳага ажратилган маблағлардан фойдаланиш ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди. Узоққа бормайлик, жумҳурият пойтахти Тошкент марказида қурилаётган «Наврўз» байналмилал театри қурилиши 12 йилдан буён чўзилиб келаётгани ҳақида қанча гап-сўзлар бўлишига қарамай, бу йил ҳам уни маблағ билан таъминлаш айтарли бўлмаганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бўлажак «Наврўз» театри томошабинлари яна қанча Наврўзларни интизор кутиб ўтказишар экан? Ёки аллақачон чала қурилишларнинг «оқсоқоли» бўлиб қолган Навоий номли кутубхона қачонгача шаҳар марказини ўзига хос «безаб» туришига ким жавоб беради? Қолаверса, Алишер Навоий юбилейи йилида унинг номи билан юритиладиган кутубхона қурилишида бурилиш ясаш тўйига муносиб тўёна бўлмасмиди?!

Тарихий обидаларни таъмирлаш ишида ҳам жиддий бурилиш бўлиши анча қийин кўринади. Маданий обидаларни таъмирлашга республика ҳукумати йилига 8 миллион сўм маблағ ажратмоқда. Ҳолбуки, биргина Бибихоним мадрасасини таъмирлашга 7 миллион сўм зарур. Жумҳурият ҳукуматининг тегишли маҳкамалари ҳузурида қадриятларни эъзозлаш ва улуғлаш юзасидан кўплаб йиғинлар бўлиб ўтди. Маърузалар даври тугаб, энди амалий ишга ўтиш пайти етмадимикан? Маданий қурилишлар суръатида бурилиш ясаш учун ваъзхонликнинг ўзи камлик қилиши сезиляпти.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида кўрилган бошқа қатор муҳим масалалар ҳамда унда қабул қилинган энг асосий қонунлар ижтимоий адолат принциплари жиҳатидан Ўзкомпартиянинг XXII съезди қарорлари билан ҳамоҳанглигини кўрамиз. Халқнинг орзу-истакларини ифодалаш, бу борада ташаббускор бўлиш — партия бош штабининг ва унинг бошланғич ташкилотлари диққат марказида. Сессияда кўрилган кўпгина масалалар илк бор Ўзкомпартия съезди ва пленумлари минбарида, вилоят ва районларнинг партия анжуманларида ўз ифодасини топган эди. Жумҳурият халқ депутатларининг 90 фоиздан ортиғини коммунистлар ташкил этишини назарда тутсак, улар жамиятнинг чин маънодаги етакчи кучи эканлигини яна бир бор ҳис қиламиз. Хўш, улар билан ёнма-ён боришни истамаётган айрим тескари гуруҳлар жумҳурият истиқболи учун аслида қандай ҳисса қўшмоқдалар? Аксарият ҳолларда улар осойишталик ва барқарорликка раҳна солиш жазаваси билан банд бўлмоқдалар. Бу йўлда улар сиёсий, диний парокандалик ясашдан ҳам умидвор бўлишаётгани сир эмас. Бироқ булар барчаси пуч умидлар эканлигини ҳаёт кўрсатиб турибди.

Сессия руҳи мамлакатда ички ва ташқи вазият кескинлашиб, иқтисодий инқироз чуқурлашиб бораётган кезда жумҳуриятнинг барча соғлом кучлари халқ бахт-саодати ва жамият равнақи йўлида бирлашмоғини яна бир бор тасдиқлади. Халқ депутатларининг навбатдан ташқари ўтган тўртинчи сессияси ижтимоий адолат принципларини қарор топтириш, иқтисодий муаммоларни дадил ҳал этиш ва халқ фаровонлиги йўлида муҳим босқич бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

---

*

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари тўртинчи сессиясида қабул қилинган қарорларни эълон қилмоқдамиз.

*

---

*Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ РАМЗЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик тўғрисидаги Декларацияга амал қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида тузилган Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)нинг янги лойиҳасини тайёрловчи комиссияга Ўзбекистон ССРнинг янги Давлат байроғи, Герби ва Мадҳиясига доир таклифлар ҳамда улар тўғрисида низомлар тайёрлаш топширилсин. Комиссия республика жамоатчилиги ва депутатларининг фикрларига кенг таяниб иш кўрсин.

2. Байроқ, Герб ва Мадҳия тўғрисида тайёрланган таклифлар матбуотда эълон қилиниб, халқ муҳокамаси уюштирилсин.

**Ўзбекистон ССР**
**Олий Кенгашининг Раиси** **М. ИБРОҲИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1991 йил 15 февраль.

**(Давоми иккинчи бетда).**

---



## ХАРИДОРГИР ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ

**— Истеъмол бозоридаги тақчиллик бизни ҳам ташвишга соляпти, — дейди «Ташсельмаш» заводи ишчиси Т. Авазов. — Шуни ҳисобга олиб, кейинги пайтда корхонамизда кундалик эҳтиёж учун зарур маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришга ҳаракат қиляпмиз.**

**Дарҳақиқат Турғунжон ишлаётган алюмин қуйиш цехида халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга алоҳида эътибор бериляпти. Цех ишчилари бу борадаги режаларини 110-120 фоиз бажаришмоқда. Энг муҳими, улар ишлаб чиқараётган қозон, кўза ва бошқа турдаги маҳсулотлар харидорларга манзур бўляпти.**

**СУРАТДА: тажрибали ишчилар Т. Авазов ва Б. Камоловлар, улар сифатли маҳсулотлар тайёрлашда кўпчиликка ўрнак бўлишяпти.**

**Т. КАРИМОВ** олган сурат.

---

## Федерация Кенгашининг мажлиси

16 февраль куни СССР Президенти М. С. Горбачев раислигида Федерация Кенгашининг мажлиси бўлди. Унинг қатнашчилари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва нарх белгилаш соҳасидаги сиёсат масалаларига доир битим лойиҳасига алоқадор масалаларни муҳокама қилдилар. Федерация Кенгаши мажлисида СССР Вазирлар Маҳкамасининг тузилиши ва таркиби тўғрисида ҳам таклифлар айтилди.

Федерация Кенгаши ишида СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, Бош вазир В. С. Павлов, СССР Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари қатнашдилар.

**(ТАСС).**

---

## КПСС Марказий Комитетида кенгаш

16 февраль куни КПСС Марказий Комитетида Советларда коммунистларнинг иши тўғрисидаги масала юзасидан КПСС Марказий Комитети Пленумига тайёргарлик кўриш муносабати билан иттифоқдош жумҳуриятлар Компартиялари Марказий Комитетлари котибларининг кенгаши бўлди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, КПСС Марказий Комитетининг котиби В. А. Купцов қатнашдилар ва сўзга чиқдилар.

---

# СЕССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Вазият шундай бўлдики, мамлакатимиздаги ва дунёдаги воқеалар СССР халқ депутатларининг парламент таътилидан тўла-тўкис фойдаланишларига имкон бермади. СССР Олий Кенгашининг тўртинчи сессиясидан сўнг парламентнинг комитетлари ва комиссиялари ишни давом эттирди, унинг Раёсати беш марта мажлисга тўпланди. Буни изоҳлаб, ҳам ички, ҳам халқаро вазият шуни талаб қилди, дейиш мукин. Шунинг учун ҳам СССР Олий Кенгашининг 18 февраль куни Кремлда очилган бешинчи сессияси дастлабки соатларданоқ аниқ амалий тусда иш бошлади.

Иттифоқ Кенгаши билан Миллатлар Кенгашининг қўшма мажлисини СССР Олий Кенгашининг Раиси **А. И. Лукьянов** очди. Сессия ишида СССР Президенти М. С. Горбачев, шунингдек Вице-президент ва Бош вазир, бошқа раҳбар идораларнинг вакиллари қатнашмоқдалар.

Раислик қилувчи кириш нутқида парламентнинг бешинчи сессияси жўн ва осон бўлмаслигини айтиб ўтди. Депутатлар сессиялар орасидаги танаффус вақтида жойларга, ўз сайловчилари ҳузурига бориб, биз нақадар мураккаб, масъулиятли даврда яшаётганимизга яна бир бор ишонч ҳосил қилдилар. Жамият жуда катта қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Ижтимоий кескинлик сақланиб турибди, нарх-наво ошиб бормоқда, хўжалик алоқалари бузилган. Шу сабабли мамлакат, жамият турмушини барқарорлаштириш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. СССР халқ депутатларининг IV съезди, мамлакат парламенти қарорларига мувофиқ сўнгги вақтда қабул қилинган СССР Президентининг фармонлари, ҳукумат қарорлари шу вазифани бажаришга қаратилган. Улардан кўзда тутилган асосий мақсад — тангликни бартараф этиш, бозор муносабатларини қарор топтириш, иқтисодий алоқаларни тиклаш, пул системасини мустаҳкамлаш, бузғунчиликка, ҳуқуқ-тартиботнинг бузилишига қарши курашдан иборат.

А. И. Лукьянов сўнгра мамлакатнинг «оловли» нуқталарида аҳвол сўнгги вақтда яхшиланмаганини таъкидлади.

Янги Иттифоқ шартномасини тайёрлаш ишлари давом эттирилди ва, шуни айтиш кераки, бу иш сўнгги вақтда жадал ва самарали ўтмоқда, деб илова қилди А. И. Лукьянов. ССР Иттифоқини сақлаб қолиш ва янгилаш тўғрисида бўлажак умумхалқ референдуми жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Бу хусусда ҳам кўпгина қийинчиликлар вужудга келмоқда ва биз сессия бошланишидаёқ референдумга тайёргарлик қандай бораётганлиги тўғрисидаги масалани ҳар томонлама кўриб чиқишимизга тўғри келадиганга ўхшайди, деб таъкидлади раислик қилувчи.

Халқаро вазият ҳам мураккаблигича қолмоқда, деб эслатди у. Бизнинг диққат-эътиборимиз ҳамон Форс кўрфазига қаратилган. Яқин Шарқдаги вазият тобора кўпроқ кескинлашмоқда. Бегуноҳ одамлар, граждан аҳоли ҳалок бўляпти. БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан берилган мандатдан ташқарига чиқиш хавфи мавжуд.

Шундан сўнг депутатлар сессиянинг рўзномаси ва иш тартибини тасдиқлашга киришдилар.

**(ТАСС).**

---

## Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатидан

Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсати Сирдарё вилоят 381-Димитров сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутати, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари комитетининг котиби **Абдуғафур Абдуллаевич Алимов** узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 1991 йил 16 февраль куни вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилади.

